



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 11 | pp. 520-529 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ЗАМОНАВИЙ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИ РАҶАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Хужаев Салимжон Содикович,**

Навоий давлат кончиллик ва технологиялар университети,

"Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси асистенти

[salimbekpaxlavon@mail.ru](mailto:salimbekpaxlavon@mail.ru)

**Аннотация.** Замонавий бозор иқтисодиётида рақамли технологиялар жадал ривожланиб, хўжалик субъектлари ҳисоб сиёсати учун янги имкониятлар яратмоқда. Мазкур мақолада Ўзбекистонда ҳисоб сиёсатини рақамлаштиришнинг муҳим жиҳатлари ва истиқболлари таҳлил қилинган. Асосий дикқат автоматлаштириш, маълумотларнинг тезкор ва аниқ таҳлилини таъминлаш, хавфсизлик ва самарадорликни оширишга қаратилган. Мақолада рақамли ҳисоб сиёсати орқали хўжалик субъектлари рақобатбардошлигини сақлаб қолиши ва халқаро стандартларга мос фаолият юритиши мумкинлиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, ҳисоб сиёсати, хўжалик субъектлари, бухгалтерия ҳисоботи, маълумотларни автоматлаштириш, хавфсизлик, самарадорлик, тезкор таҳлил, иқтисодиёт, халқаро стандартлар, рақобатбардошлиқ, иқтисодий ривожланиш, рақамли технологиилар, электрон ҳисбот, ахборот технологиялари

### ПЕРСПЕКТИВЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В УСЛОВИЯХ СОВРЕМЕННОЙ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ

**Хужаев Салимжон Содикович,**

Навоийский государственный горно-технологический университет,

ассистент кафедры "Экономика и менеджмент"

[salimbekpaxlavon@mail.ru](mailto:salimbekpaxlavon@mail.ru)

**Аннотация.** В условиях современной рыночной экономики цифровые технологии стремительно развиваются, создавая новые возможности для учетной политики хозяйствующих субъектов. В данной статье анализируются основные аспекты и перспективы цифровизации учетной политики в Узбекистане. Основное внимание уделяется автоматизации, обеспечению оперативного и точного анализа данных, безопасности и повышению эффективности. В статье рассматривается, как цифровая учетная политика помогает хозяйствующим субъектам сохранять конкурентоспособность и соответствовать международным стандартам.

**Ключевые слова:** цифровизация, учетная политика, хозяйствующие субъекты, бухгалтерская отчетность, автоматизация данных, безопасность, эффективность, быстрый анализ, экономика, международные стандарты, конкурентоспособность, экономическое развитие, цифровые технологии, электронная отчетность, информационные технологии

## PROSPECTS OF DIGITIZING ACCOUNTING POLICIES FOR ECONOMIC ENTITIES IN THE CONTEXT OF A MODERN MARKET ECONOMY

**Xujaev Salimjon Sodikovich**

Navoi State University of Mining and Technologies,  
assistant of the Department of "Economics and Management"  
[salimbekpaxlavon@mail.ru](mailto:salimbekpaxlavon@mail.ru)

**Annotation.** In the context of a modern market economy, digital technologies are rapidly evolving, creating new opportunities for the accounting policies of economic entities. This article analyzes the key aspects and prospects of digitizing accounting policies in Uzbekistan. The focus is on automation, rapid and accurate data analysis, security, and increased efficiency. The article discusses how digital accounting policies can help economic entities maintain competitiveness and operate in compliance with international standards.

**Key words:** digitization, accounting policy, economic entities, financial reporting, data automation, security, efficiency, rapid analysis, economy, international standards, competitiveness, economic development, digital technologies, electronic reporting, information technology

### **Кириши**

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида рақамлаштириш жараёнлари иқтисодиётнинг турли жабҳаларига жиддий таъсир қўрсатмоқда. Рақамли технологияларнинг жорий қилиниши корхоналарнинг фаолиятида самарадорликни ошириш, қарорларни тезкор қабул қилиш ва иш жараёнларини шаффофлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш тадбиркорлик субъектлари учун нафақат молиявий ҳисботларни автоматлаштириш, балки уларни стратегик бошқарувда самарали фойдаланиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мақоланинг мақсади – замонавий бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг ҳисоб сиёсатини рақамлаштиришнинг истиқболларини таҳлил қилиш ва бу жараёндаги асосий йўналишларни аниқлашдан иборат. Шу орқали корхоналарда ҳисоб жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларнинг тезкор ва аниқ таҳлилини таъминлаш, шунингдек, молиявий хатарларни камайтириш мумкин. Рақамли технологияларнинг қўлланилиши бизнес жараёнларини автоматлаштиришда янги имкониятлар очиб, ҳисоб сиёсатини замонавий талабларга мослаштиришга хизмат қиласди.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиёти ҳам рақамли трансформация жараёнида бўлиб, бу йўналишда давлат дастурлари орқали қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш хўжалик субъектларига рақамли муҳитда рақобатбардошликни сақлаб қолиш ва иш самарадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, халқаро ҳисбот стандартларига мос келувчи рақамли ҳисоб сиёсатини жорий этиш орқали миллий иқтисодиётда шаффофоник ва ишончни ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш жараёни иқтисодиётни модернизация қилиш ва халқаро стандартларга мослаштириш доирасида амалга оширилмоқда. Жумладан:

2016 йил 13 апрелда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ЎРҚ-404-сонли қонуни қабул қилинди<sup>1</sup>.

Ушбу қонун Қонун мамлакатда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот юритишининг асосий қоидаларини белгилайди. Ушбу қонунга мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби корхоналар ва ташкилотларда иқтисодий жараёнларнинг шаффофоники ва аниқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Қонун бухгалтерия ҳисобини юритища асосий принципларни, жумладан, қонунийлик, холислик, ишончлилик ва ўз вақтида ҳисботот тақдим этиш талабарини белгилайди. Шунингдек, у ҳисботларни халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш ва уларни автоматлаштириш учун ҳуқуқий асос яратади. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича асосий масъул орган ҳисобланади. Бу ҳужжат замонавий рақамли технологияларни жорий қилиш орқали ҳисоб жараёнларини янада самарали ва шаффофоник қилишни мақсад қиласди.

2024 йил 6 августда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан "Молиявий ҳисботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати" номли 1-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти тасдиқланди. Ушбу стандарт 2025 йил 1 январдан кучга киради ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштиришга оид янги талабларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилмоқда. Бу жараёнда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС)ни жорий этиш орқали инвесторлар учун шаффофоник ва ишончли маълумотлар тақдим этиш мақсад қилинган.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш мақсадида замонавий ахборот технологиялари, шу жумладан, бухгалтерия дастурлари, электрон ҳужжат айланиши ва маълумотларнинг автоматлаштирилган таҳлили каби воситалар жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳисботларнинг аниқлиги ва тезкорлигини оширишга хизмат қиласди.

Рақамлаштириш жараёнида мутахассисларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу мақсадда бухгалтерия соҳасидаги кадрларнинг рақамли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси. (2016). "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун (ЎРҚ-404-сонли, 13 апрель). Lex.uz: <https://lex.uz>

кўниқмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилмоқда.

### *Адабиётлар шарҳи*

Иқтисодиётни рақамлаштириш мавзусида қўплаб олимлар ҳамда халқаро ташкилотлар иш олиб бормоқдалар ва улар томонидан бу тушунчаларга турлича таърифлар берилган. Масалан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) томонидан берилган таърифга кўра:

*Рақамли иқтисодиёт* — иқтисодиётнинг асосий жараёнлари (ишлаб чиқариш, савдо, хизматлар ва маълумот алмашиш) рақамли технологиялар, айниқса интернет, маълумотлар базалари, сунъий интеллект ва мобил технологияларга таянадиган иқтисодий фаолият тури. Унда иқтисодий муомала ва алоқалар рақамли воситалар орқали амалга оширилади, бу эса тезкорлик, самарадорлик ва шаффоффликни оширишга ёрдам беради.<sup>2</sup>

**Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг 2019 йилдаги "Going Digital: Shaping Policies, Improving Lives" мавзусидаги ҳисоботида рақамли иқтисодиёт ва унинг жамият, иқтисодиёт ва давлат бошқарувига таъсири кўриб чиқилган. Ҳисбот рақамли трансформацияни бошқариш учун самарали сиёсаллар яратишга йўналтирилган, ҳамда инновациялар, рақамли инфратузилма, инсон капиталини ривожлантириш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва рақамли саводхонлик каби йўналишларда стратегик тавсияларни ўз ичига олади<sup>3</sup>.**

Шунингдек, Канадалик иқтисодчи Дон Тапскоттнинг таърифи бўйича "рақамли иқтисодиёт" — бу рақамли технологиялар (айниқса, интернет, сунъий интеллект, блокчейн, булутли ҳисоблаш) асосида ташкил этилган иқтисодий фаолиятлар тизими бўлиб, унда ишлаб чиқариш, истеъмол, савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнлари автоматлаштирилган ва рақамли маълумотлар орқали амалга оширилади. Бу иқтисодиёт тури бизнес ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни соддалаштириш, маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятларини яратади"<sup>4</sup>.

Гарвад бизнес мактаби профессори Роберт Каплан ҳамда бизнес таҳлилчи Дэвид Нортонларнинг "Баланслашган кўрсаткичлар тизими: стратегиядан ҳаракатга" ("The Balanced Scorecard: Translating Strategy into Action" (1996) китобида компаниялар самарадорлигини ошириш учун кўрсаткичларнинг балансланган тизимини таклиф қилинган<sup>5</sup>.

Шунингдек мазкур муаллифлар "Strategy Maps: Converting Intangible Assets into Tangible Outcomes" (2004) номли асарида стратегияларни амалда қўллаш учун визуал қадамлар ва ёндашувлар таклиф қилинган.

"Бизнес жараёнларни реинжиниринглаштириш концепцияси" муаллифи Майкл Хаммер ҳамда "Perot System sconsulting" компанияси директорлар кенгаси

<sup>2</sup> OECD (2019). *Going Digital: Shaping Policies, Improving Lives*. OECD Publishing.

<sup>3</sup> Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD). (2019). "Going Digital: Shaping Policies, Improving Lives." OECD Publishing. URL: <https://www.oecd.org>

<sup>4</sup> Tapscott, D. (2015). *The Digital Economy: Rethinking Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence*. McGraw-Hill Education.

<sup>5</sup> Каплан, Р., & Нортон, Д. (1996). "Баланслашган кўрсаткичлар тизими: стратегиядан ҳаракатга" ("The Balanced Scorecard: Translating Strategy into Action"). Бостон: Harvard Business School Press.

раиси Джеймс Чампиларнинг "Корпорацияни реинжиниринг қилиш: бизнес инқилоби учун манифест" ("Reengineering the Corporation: A Manifesto for Business Revolution" (1993) — номли китобида бизнес жараёнларини қайта ташкил этишнинг самарадорликка тъсири ва автоматлаштиришнинг аҳамияти ёритилган<sup>6</sup>.

Австриялик amerкалик олим, иқтисодчи, 20-асрнинг энг нуфузли бошқарув назариётчиларидан бири Питер Друкер "Самарали ижрочи" ("The Effective Executive" (1967) асарида бошқарув қарорларини қабул қилишда самарадорликка эътибор бериш ва рақамили ёндошувлар билан маълумотларни аниқ таҳлил қилишга ургу бериш асарнинг асосий мақсадини ёритиб ўтган. Шунингдек ушбу олимнинг "Бошқарув: вазифалар, маъсулият, амалиёт" ("Management: Tasks, Responsibilities, Practices" (1973) номли китобида бошқарув соҳасидаги назарий тушунчалар ва амалий тажрибаларнинг умумий йўналишлари, рақамили маълумотларни самарали бошқариш асослари келтирилган<sup>7</sup>.

Россиялик олим, капитализм ва жаҳон иқтисодиёти сиёсий иқтисоди соҳасидаги машхур профессор Жинне Варга (Gene Varga) "Бухгалтерия хисобининг ахборот тизимлари: асосий тушунчалар ва долзарб масалалар" ("Accounting Information Systems: Basic Concepts and Current Issues") номли китобида хисоб маълумотлар тизимларининг асосий тушунчалари ва уларни автоматлаштиришнинг афзалликлари ҳақида ёритилган.

Microsoft компаниясининг техник ходим Рагху Рамакришнан ҳамда немис антик давр тарихчиси, архиолог Йоханнес Герке "Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари" ("Database Management Systems" (2000) номли китоби маълумотлар базаларини бошқариш ва автоматлаштириш бўйича мукаммал қўлланма бўлиб, ушбу асарда бизнес тадбиркорликда рақамлаштириш жараёнининг муҳим назарий асослари таклиф қилинади<sup>8</sup>.

### *Тадқиқот методологияси.*

Мақолада хўжалик субъектларининг хисоб сиёсатини рақамлаштириш жараёнини таҳлил қилиш учун турли илмий-тадқиқот усуллари қўлланилди. Аввало, таҳлил ва синтез усуллари орқали миллий қонунчилик, халқаро стандартлар ва бухгалтерия хисоби соҳасидаги илғор тажрибалар ўрганилди. Қиёсий таҳлил орқали Ўзбекистоннинг рақамлаштириш жараёни халқаро тажриба билан таққосланди, айниқса, АҚШ, Европа ва Осиё давлатларидағи илғор ютуқлар таҳлил қилинди. Иқтисодий-статистик усуллардан фойдаланган ҳолда рақамили технологияларнинг жорий қилиниши натижасидаги самарадорлик кўрсаткичлари ва мавжуд маълумотлар ўрганилди. Шунингдек, илмий-назарий таҳлил орқали рақамили иқтисодиёт ва бухгалтерия хисобига оид халқаро ташкилотлар хисоботлари ва олимлар томонидан тайёрланган манбалар таҳлил қилинди.

### *Таҳлил ва натижалар муҳокамаси*

<sup>6</sup> Хаммер, М., & Чампи, Ж. (1993). "Корпорацияни реинжиниринг қилиш: бизнес инқилоби учун манифест" ("Reengineering the Corporation: A Manifesto for Business Revolution"). Нью-Йорк: Harper Business.

<sup>7</sup> Друкер, Питер. "Самарали ижрочи" ("The Effective Executive"). Нью-Йорк, Harper & Row, 1967.

<sup>8</sup> Рамакришнан, Р., & Герке, Й. (2000). "Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари" ("Database Management Systems"). Нью-Йорк: McGraw-Hill.

Иқтисодий жараёнларда рақамлаштириш жорий этилиш тарихига назар соладиган бўлсақ, бу соҳа узоқ йилларга бориб тақалишини кузатишмиз мумкин. Ушбу соҳанинг бугунги кунгача ривожланишини уни қуидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

#### **1-босқич. Компьютерлар пайдо бўлиши ва дастлабки автоматлаштириш (1940-1970-йиллар)**

- 1940-1950-йиллар — Компьютерларнинг пайдо бўлиши билан маълумотларни қайд этиш, сақлаш ва ҳисоблаш жараёнларида янги имкониятлар пайдо бўлди. Бу даврда бизнес ва давлат муассасаларида дастлабки автоматлаштирилган тизимлар жорий қилинди.

- UNIVAC I ва IBM 1401 каби илк компьютерлар бу жараёнларни жадаллаштириб, маълумотлар базалари ва маълумотларни марказлаштириш учун замин яратди.

- 1960-йиллар — Бухгалтерия ва молиявий ҳисобот тизимларида дастлабки автоматлаштирилган дастурлар, масалан, ARPANET каби дастлабки интернет тармоқлари билан маълумот узатиш имкониятлари кенгайди.

#### **2-босқич. Мэйнфрейм ва мини-компьютерлар даври (1970-1980-йиллар)**

- 1970-йиллар — Мэйнфреймлар ва мини-компьютерлар орқали катта корхоналарда маълумотларни автоматлаштириш жараёни янада жадаллашди. Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботни автоматлаштириш учун IBM каби компаниялар томонидан мэйнфреймлар кенг қўлланилди.

- Стив Джобс ва Билл Гейтс каби шахсларнинг иштироки билан персонал компьютерлар бозорга чиқди ва ҳисоботлар учун дастурний таъминотларни қўплаб кичик корхоналарда қўллаш мумкин бўлди.

#### **3-босқич. Интернет ва дастурний таъминот ривожланиши (1990-йиллар)**

- 1990-йиллар — Интернет ва локал тармоқларнинг тарқалиши билан маълумотларни қайта ишлаш ва ҳисоботларни автоматлаштириш янада қулайлашди. Мазкур даврда бухгалтерия ва бошқарув ҳисоботларини автоматлаштириш мақсадида ERP (Enterprise Resource Planning) тизимлари пайдо бўлди.

- SAP, Oracle, ва Microsoft Dynamics каби ERP тизимлари бухгалтерия ҳисобини рақамлаштиришга катта туртки берди. Бу дастурлар катта маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва бошқариш имкониятини яратди.

#### **4-босқич. Рақамли трансформациянинг кенгайиши (2000-йиллар)**

- 2000-йиллар — Бизнесда ва иқтисодиётда рақамли ёндошувлар жорий қилиниб, маълумотларни марказлаштириш, электрон ҳужжат айланиши ва дастурний таъминотларнинг янада кенгайиши кузатилди.

- Блокчейн технологияси — Блокчейн иқтисодиётда янги имкониятларни очди, айниқса, молия ва аудиторлик соҳасида маълумотларни ҳимоялаш ва шаффофликни ошириш учун жорий этилди.

- Буюк маълумот (Big Data) ва сунъий интеллект (AI) — Маълумотларнинг катта ҳажмда йиғилиши ва таҳлили, шунингдек, сунъий интеллект ёрдамида қарорларни автоматлаштириш бошқарув жараёнларини янада тезлаштириди.

## **5-босқич. Ҳозирги давр ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши (2010-йиллар ва кейинги йиллар)**

- 2010-йиллар ва кейинги давр — Ҳозирги кунда рақамлаштириш глобал иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланди. Электрон савдо, рақамли валюта, сунъий интеллект ва блокчейн технологиялари иқтисодий фаолиятнинг марказий қисмига айланди.

- Фойдаланувчига йўналтирилган тизимлар — Масалан, бухгалтерия ва бошқарув ҳисоби учун облак (cloud) технологиялари орқали тизимларга осон кириш имконияти яратилди.

- Ижтимоий иқтисодиёт ва FinTech ривожланиши — Краудфандинг, микромолиялаш, ва рақамли тўлов тизимлари каби технологиялар иқтисодиётга янги бизнес моделлар ва хизматларни киритди.

Замонавий бозор иқтисодиётида рақамли трансформация иқтисодиётнинг барча жабхаларидаги фаолиятга жиҳдий таъсир кўрсатмоқда. Ҳусусан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш бугунги кунда жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиш учун муҳим омилга айланди. Рақамли технологияларнинг жорий қилиниши маълумотларни қайта ишлап тезкорлигини ошириб, корхоналарга молиявий жараёнларни юқори аниқлиқда назорат қилиш имконини бермоқда. Big Data, сунъий интеллект (AI) ва блокчейн каби технологиялар маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва шаффоф бошқаришни янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистонда ҳам рақамли трансформация жараёни иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ривожланмоқда. Давлат томонидан қабул қилинган дастурлар доирасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш бўйича замонавий ахборот тизимлари жорий этилмоқда. Ҳусусан, электрон ҳужжат айланиши, автоматлаштирилган таҳлил воситалари ва булутили технологиилар асосидаги платформалар корхоналарда иш жараёнларини янада самарали ва шаффофлаштиришга хизмат қилмоқда.

Маҳаллий корхоналарда электрон ҳисбот тизимларини татбиқ этиш орқали маълумотлар базасининг яхлитлиги таъминланмоқда. Шу билан бирга, ҳалқаро стандартларга мувофиқ келувчи ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу эса корхоналарнинг ҳалқаро бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга, шунингдек, хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим ўрин тутади. Рақамли технологияларнинг иқтисодиётга кириб келиши маҳаллий бизнес субъектларига рақобатбардошликни ошириш ва иқтисодий самарадорликни янада юксалтириш имконини беради.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш жараёни изчил ривожланаётган бўлса-да, бу соҳада айрим муаммолар мавжудлигича қолмоқда. Биринчи навбатда, инфратузилмавий базанинг етарли даражада ривожланмаганилиги рақамли технологияларни жорий қилишда асосий тўсик бўлиб қолмоқда. Қатор корхоналар, айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари замонавий бухгалтерия дастурларидан тўлиқ фойдалана олмайди, чунки улар учун зарур техник ускуналар ва дастурий таъминотлар қиммат ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзи минтақа ва худудларда интернет тезлиги ва

сифатининг пастлиги рақамли тизимларни самарали татбиқ этишга тўсқинлик қиласди.

Иккинчидан, соҳада кадрлар масаласи ҳам жиёддий муаммолардан бири ҳисобланади. Замонавий бухгалтерия ва маълумотларни автоматлаштириш бўйича етарли билим ва қўникмаларга эга мутахассислар этишмовчилиги рақамлаштириш жараёнининг суръатини секинлаштирмоқда. Қуий ва ўрта бўғин мутахассисларининг рақамли технологияларни қўллаш бўйича малакасини ошириш учун мунтазам ўқув курслари ва тренинглар ташкил этиш талаб этилади. Бугунги кундаги мавжуд ўқув дастурлари рақамли иқтисодиёт талабларига тўлиқ жавоб бермайди, бу эса янги технологияларни амалиётга жорий этишда қийинчилик туғдиради.

Учинчидан, қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар базасида ҳам айrim камчиликлар мавжуд. Бухгалтерия ҳисобининг рақамлаштириш жараёнига оид қонунлар ва стандартлар ишлаб чиқилган бўлса-да, уларни амалиётта жорий қилишда тўлиқ ижро механизми этишмаяпти. Шунингдек, қонунчиликдаги айrim номувофиқликлар ва турли қўрсатмаларнинг ўзаро мос келмаслиги корхоналар учун ноаниқликлар ва қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Бу эса рақамли технологияларнинг фойдаланиш имкониятларини чеклаб, уларнинг тўлиқ салоҳиятини амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Мазқур муаммоларнинг ҳал қилиниши учун инфратузилмани яхшилаш, кадрларнинг рақамли билим ва қўникмаларини ошириш ҳамда қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича изчилchora-tadbirlarни амалга ошириш зарур. Бу нафақат рақамли бухгалтерия ҳисобининг ривожига, балки умумий иқтисодий самарадорликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

### *Хўлоса ва таклифлар.*

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида рақамли трансформация бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини янада самарали, шаффофф ва халқаро стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда қатор ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлса-да, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва жараённи жадаллаштириш учун қўшимча choratadbirlarни амалга ошириш зарур. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали ҳисоб сиёсатини автоматлаштириш нафақат корхоналарнинг ички иш жараёнларини такомиллаштиради, балки уларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширади. Шунингдек, рақамлаштириш орқали молиявий маълумотларнинг шаффофлиги ва ишончлилиги таъминланади, бу эса хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратади.

Мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таклифларни илгари суринш мумкин:

**Инфратузилмани ривожлантириши:** Корхоналар учун замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш имкониятларини ошириш, айниқса, интернет сифатини яхшилаш ва техник қўллаб-қувватлаш хизматларини кенгайтириш.

**Молиявий қўллаб-қувватлаш:** Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун рақамли технологиялар харидини енгиллаштириш мақсадида давлат субсидиялари ва имтиёзли кредитлар ажратиш.

**Кадрларни тайёрлаш:** Бухгалтерия соҳасидаги мутахассисларни рақамли кўникмаларга ўргатиш учун маҳсус ўкув курслари, тренинглар ва семинарлар ташкил этиш, шунингдек, университет ўкув дастурларини замонавий технологиялар билан бойитиш.

**Қонунчиликни таомиллаштириши:** Бухгалтерия ҳисобининг рақамлаштириш жараёнига оид қонуналарни амалиётта жорий этишдаги ижро механизmlарини кучайтириш, шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ янги қоидаларни ишлаб чиқиши.

**Хорижий тажрибани ўрганиши:** Жаҳондаги илгор давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон шарт-шароитларига мослаштирган ҳолда татбиқ этиш.

Ушбу таклифларни амалга ошириш Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатини рақамлаштириш жараёнини янги босқичга олиб чиқади. Бу эса миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиласди.

### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Ўзбекистон Республикаси. (2016). "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун (ЎРҚ-404-сонли, 13 апрель). Lex.uz: <https://lex.uz>
2. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD). (2019). "Going Digital: Shaping Policies, Improving Lives." OECD Publishing. URL: <https://www.oecd.org>
3. Tapscott, D. (2015). The Digital Economy: Rethinking Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence. McGraw-Hill Education.
4. Каплан, Р., & Нортон, Д. (1996). "Баланслашган қўрсаткичлар тизими: стратегиядан ҳаракатга" ("The Balanced Scorecard: Translating Strategy into Action"). Бостон: Harvard Business School Press.
5. Хаммер, М., & Чампи, Ж. (1993). "Корпорацияни реинжиринг қилиш: бизнес инқилоби учун манифест" ("Reengineering the Corporation: A Manifesto for Business Revolution"). Нью-Йорк: Harper Business.
6. Друкер, Питер. "Самарали ижрочи" ("The Effective Executive"). Нью-Йорк, Harper & Row, 1967.
7. Рамакришнан, Р., & Герке, Й. (2000). "Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари" ("Database Management Systems"). Нью-Йорк: McGraw-Hill.
8. Atamuradov S. Инновацион лойиҳаларни венчур фонdlари орқали молиялаштириш ва унда учрайдиган таваккалчилик турлари //Economics and Innovative Technologies. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 24-35.
9. Атамуродов Ш. А. Роль налогов в формировании доходной части государственного бюджета республики Узбекистан //Совершенствование налоговой политики государства в условиях глобализирующейся экономики. – 2014. – С. 107-111.

10. Ashurova N. B. Atamuradov Sh //A.“Korxonalar iqtisodiyoti va menejmenti” (O’quv qo’llanma)-Navoiy: NDKI. – 2019.
11. Атамурадов Ш. Турли минтақаларда венчур инвестицияси мұхити таҳдили хамда венчур бизнесини Ўзбекистон иқтисодиётіга жорий этиш муаммолари //Экономика и инновационные технологии. – 2019. – №. 6. – С. 69-79.
12. Атамурадов Ш. А. Инновацион тадбиркорликда венчур инвестицияларини жалб қилиш муаммолари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. 1 (137). – С. 85-92.
13. Атамурадов Ш. А. Саноатда инновацион фаолиятни ривожлантиришда венчур инвестицияларини жалб қилиш масалалари //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.
14. Транспорт ташкилотларида узоқ муддатлы активлар бўйича ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг услугбий жиҳатлари. (2024). Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting, 4(05), 186-195. [https://doi.org/10.55439/AFA/vol4\\_iss05/354](https://doi.org/10.55439/AFA/vol4_iss05/354)
15. Хужаев, С. (2023). Методические и организационные аспекты применения учетной политики предприятий . Talqin Va Tadqiqotlar, 1(16). извлечено от <https://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/1077>
16. Khujaev Salimjon Sodikovich. (2023, август 23). Necessity, concept and principles for introducing accounting policy in the activities of economic entities. innovative development in the global science, Boston, USA. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8277426>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

